

## ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ МАНБАЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

*Maxsudova Nilufar Abdurasulovna*  
*O‘zDJTU tadqiqotchisi (990063241)*

### **Аннотация**

*Мақоллар халқнинг тилдаги маданий маълумотларни жамловчи, сақловчи, номойиш этувчи ва кейинги авлодларга етказиб берувчи маданий кодлар мажмуаси ҳисобланади. Уларни шаклланишида бир қанча омиллар бор. Маданият, дин, тарих, адабиёт, халқларнинг турмуш тарзи ва бошқа мамлакатлар билан маданий алоқалари шулар жумласидандир. Ушбу мақола ҳам айнан шу каби масалалар таҳлиliga бағишланади.*

**Калит сўзлар:** *Мақол, Қуръон, Авесто, маданият, адабиёт, фольклор.*

### **Аннотация**

*Пословицы представляют собой комплекс культурных кодов, которые собирают, хранят, отображают и передают культурную информацию народа следующим поколениям. Имеется несколько факторов играющих важнейшую роль в их формировании. К ним относятся культура, религия, история, литература, быт людей и культурные связи с другими странами. Данная статья посвящена анализу таких вопросов.*

**Ключевые слова:** *пословица Коран, Авеста, культура, литература, фольклор.*

### **Abstract**

*Proverbs are a complex of cultural codes that collect, store, display and transmit the cultural information of the people to future generations. Several factors play a vital role in their formation. These include culture, religion, history, literature, people’s way of life, and cultural ties with other countries. This article is devoted to the analysis of such issues.*

**Keywords:** *proverbs, Koran, Avesta, culture, literature, folklore.*

Тилининг кўркини, нутқда маънолар ранг баранглигини, ақл-фаросат ва тафаккурнинг мантиғини номойиш этувчи мақол ва маталлар дунёдаги жамики халқ ва элатларда мавжуд бўлиб, унинг ортида ҳар бир халқнинг дунёқараши, орзу-умидлари, урф-одатлари туради. Шунинг учун ҳам, уни халқнинг турмуш қонун-қоидаларини ўзида жо қилган қисқа ритмик бирлик дейиш мумкин.

Бу халқ оғзаки ижод мактаби дастлаб халқнинг оғзаки ижодида яшаган, ёзув пайдо бўлиши билан мақоллар маданий ёдгорликларда, сўнгра бадий адабиёт таркибида акс эта бошлаган. Ушбу асарлардаги халқнинг ўй-фикрини ифода этувчи қисқа ва ихчам иборалар кенг омма тарафидан қўлланила бошлагач, улар расман мақол мақомини олиб луғатлардан ўрин олган.

Мақолларнинг шаклланишида турли хил омиллар муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра мақолларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Маълум манбалар асосида юзага келган мақоллар.

2. Муалифлари номаълум мақоллар. Улар халқ оғзаки ижодининг намунаси ҳисобланади. Одатда мақоллар қадимги ва мумтоз адабиёт намуналари, Библия орқали шу кунгача етиб келган, аммо оғиздан оғизга ўтиб келган мақоллар бундай асарларга мухрланиш бахтига муяссар бўлмаган ёки келтирилган бўлсада, у асарлар бизгача етиб келмаган [1; 4-5-б.].

3. Универсал мақоллар.

Ўзбек мақолларининг келиб чиқиш манбалари, шаклланиши халқнинг, маданияти, дини, тарихи, адабиёти, турмуш тарзи ва бошқа мамлакатлар маданиятлари билан ўзаро муносабатида белгиланади.

Келиб чиқишига кўра ўзбек мақолларини 4 гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Қадимги ёзма манбалар ва ёдгорликлар; 2. Диний манбалар ва адабиёт; 3. Бошқа тиллардан ўзлашган мақоллар; 4. Фольклор.

Ўзбек тилида дастлабки мақолсимон ибораларни қадимги ўзбекларнинг авлоди саналган сўғдийларни сопол идишларга битилган қайдномаларда учратиш мумкин. 1950 йиллардан кейин рус археологлари Суғд, Бактрия ва Хоразмийларнинг ёзувларини жиддий ўрганишга киришдилар ва натижада сопол идишларга битилган суғд ёзувларини ўқишга муяссар бўлди. Археологлар орасида рус таржимони Владимир Лифшиц сопол идишдаги содда, ихчам, тугал маъно ва поэтик шаклга эга чуқур мазмунли ҳикматли сўзни ўқиб, худди XI асрда яшаган Умар Ҳайёмнинг байтларини ўқигандаги завқни ҳис қилди. Унда қуйидагича ёзилган эди: “Зиён кўрмагунча бойликга эга бўла олмайсан. У ҳолда ич эй инсон” [2; 70-б.].

Шунингдек, туркий ёзма манбалар ҳисобланган Урхун-Энасой обидалари таркибида ҳам мақолларни қўлланганини кузатиш мумкин. Ушбу обидалардаги битигларда муалиф мақол ва маталлардан унумли фойдаланиб, улар орқали ҳикоянинг бадий жиҳатдан юксак бўлишини таъминлаган [3; 7-б.]. Чунончи, Элтариш ҳоқонга нисбатан “*Биров семиз буқа бу, ориқ буқа бу дея билмас экан*” мақолини келтиради. Шунингдек, қуйидаги мақол ҳам ҳамжиҳатликка ундайди: “*Юпқа қалин бўлса, тор мор қиладиган баҳодир эмиш*”, “*Ингичка йиҳин тор мор қилишига осон эмиш, ингичка йигин узишига осон, йўгон бўлса, узадиган баҳодир эмиш*” [4; 37-б.]. Ушбу мақолда қўшин мустаҳкам бўлса, уни тор мор қилиб бўлмайди, деган мазмун ётипти. Бундан ташқари “*Покнинг уяти яхши*”, “*Жангчиларнинг келгани қаҳрамон*” (жангдан қайтгани қаҳрамондир), “*Келур эрса эл кўпаяр*”, “*Одобли, қўрқмас бўлса будун эркили бўлади*” [4; 37] каби мақоллар қўлланилган.

Маълумки, дин жамият, гуруҳ ёки алоҳида шахснинг маънавий ҳаётини ажралмас қисмидир. У умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб, уларни жонлантиради ва ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантиради. Шунингдек, у маданиятга ҳам катта таъсир кўрсатади [5;1-б.]. Масалан, муқаддас китоблар мусулмонларнинг маданиятига ўз таъсирини ўтказган. Демак, бундай

китоблар инсонларнинг тафаккури ва онгига таъсир этган экан, албатта у тилда ҳам акс этган. Шунинг учун, мақол ва маталларнинг иккинчи манбаси сифатида – муқаддас китоблар саналган **Қуръон ва Авестони** киритиш мумкин.

Исломгача бўлган даврда Марказий Осиё худудида яшовчи аҳоли зардўштийлик таълимотига эътиқод қилган. Унинг муқаддас китоби Авесто Марказий Осиё халқларининг маънавий дунёқараши, турмуши ва урф- одатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этган. Эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал тамойили марказий ўринда турувчи ва инсонларни одобли бўлишга, илм, хунар эгаллашга, меҳнат қилишга, ёвузликка қарши, инсонни бахти саодати учун курашишга, атроф муҳитни муҳофаза этишга чорловчи “Авесто” таълимоти асосида Шарқда кўплаб мақол ва ҳикматли сўзлар яратилган.

“Авестода” ер инсонни катта бойлиги шунинг учун уни эъзозлаш, ишлов бериш ва суғориш, дарахт экиб боғ яратиш лозимлиги, табиатни эъзозлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик таъкидланади: *“Кимки ерни ҳайдаса, суғорса ер уни боқади”, “Қиз яхши эрни орзу қилганидек, ер ҳам яхши қўшчига илҳақ”, “Омоч тегмаган замин инсонга мева бермайди”, “Ёш келин эрига гўдак ҳада этганидек, ер ҳам пешона тери ва қўл меҳнати билан уни парвариш қилган одамларга мўл-қўл ҳосил беради”, “Кимки ерга галла-буғдой экса, у ҳақиқатни эккан бўлади, эзгуликка йўл очади”, “Меҳнат қилмасдан нон ейиш текинхўрлик, эшикма-эшик юриб тиланчилик қилишдир”* [6; 57-74-б.]. “Авесто”даги ерни, табиатни эъзозлаш, яхшилиқ қилиш, таълим тарбия тўғрисидаги илгари сурилган илмий ғоялар кўплаб мақол, матал ва ҳикматли сўзларимизга кўчган: *“Эр киши ерни сотмайди”, “Ерни боқсанг, ер сени боқади”, “Бирни кессанг ўнни эк”, “Ер - дон, деҳқон – хазинабон”, “Ер тўйдирар, ўт куйдирар”, “Ер олган – кўкаради, ер сотган – қурийди”, “Ер-сув-битмас кон”, “Сувсиз ер -жонсиз жасад”*.

Маълумки, исломни шарқ хусусан ўзбек адабиётига таъсири жуда катта. Масалан, Қуръоний мавзулар, ҳадислар асосида туҳфа асарлар яратилган. Улардаги иборалар ўзбек тилига сингиб, ўзига хос қуръоний иборалар сифатида кўпгина мақол ва маталларга асос бўлган [7; 6-б.].

Ҳадислар ислом динига эътиқод қилувчиларнинг тафаккур ва тасаввурлари, ҳамда хулқ-атворларининг шаклланишига асос бўлган. Аксарият олимлар мақоллар халқ тафаккурини инъикоси бўлиб, улар ўзида бир маданиятга бирлашган жамият урф-одатлари, анъаналари, менталитетининг ўзига хослиги, тарихи, географик ҳолати ҳамда ҳаёт тарзини яққол кўрсатади, деган фикрни илгари сурганлар. Шундай экан, ҳадислар ва ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони карим ўзбек халқ мақоллари, маталари ва афоризмларини шаклланишига маълум даражада таъсир ўтказган, ҳамда ҳозирда кўпгина ҳадисларда илгари сурилган фикрлар, ғоялар ўзбек халқ мақоллари ва маталарида ўз ифодасини топган. Масалан, ҳадисда “Иқтисод қилган киши хор бўлмас” дейилади. Ўзбек халқ

мақолларида эса шунга монанд қилиб қуйидагилар келтирилади: *“Тежаб еган оч қолмас”, “Тежаган дар қолмас”, “Тежаган терга тушмас”*.

Яна бир ҳадисда: *“Кенгашиб ишлаган киши ўкинмас”*, – дейилади. Мақолларда эса *“Кенгашиб кесилган бармоқ оғримас”, “Кенгашли иш бузилмас, яхши эшилган иш узилмас”, “Кенгашли тадбир силлиқлашар, кенгашсиз тадбир хунуклашар”, “Кенгашли ишнинг ками бўлмас”*, дейилади.

Бошқа бир ҳадисда: *“Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир”*, – деб айтилади. Халқда шундан келиб чиқиб: *“Ёшликда билгани – тошга ёзгани, қариликда билгани – музга ёзгани”*, – мақоли пайдо бўлган.

*“Қарияни ҳурмат қилган бахтли бўлар”* ҳадисига мувофиқ, *“Қарияни сийла ўзинг ҳам қартасан”* каби мазмундаги мақоллар нақлдан нақлга ўтиб келган. Пайғамбаримизнинг қуйидаги гаплари ҳам йиллар ўтиб мақолга айланган: **Ҳадис:** *“Ўзига раво кўрганини ўз биродарига раво кўрмагунча ҳеч ким чин мўмин бўла олмас”*. **Мақол:** *“Ўзига раво кўрмаганни ўзгага раво кўрма”, “Ўзинга яхшилик тиласанг, ўзгага ёмонлик тилама”*.

Ўрта Осиёда араб тили бир вақтлар халқаро тил, илм-фан тили бўлган. Ўрта Осиё араблар тарафидан VIII истило қилингандан сўнг, бу ерда ислом дини билан бирга араб ёзуви ҳам кенг тарқала бошлади. Мактаб, мадраса, масжид ва идора ишлари асосан араб ёзуви ҳамда араб тилида олиб бориладди. Араб тили давлат тили бўлиш билан бирга китобий тил ҳисобланганлиги учун, олимлар ўз асарларини шу тилда ёзишган. Бундан кўриниб турибдики, маҳаллий халқга асосий маълумотлар араб тили орқали кириб келган. Араб тилининг китобий тил ва давлат тили бўлиб қолиш анъанаси анча вақтгача давом этган. Шунинг учун арабча сўз, сўз шакллари, иборалар ва ҳатто мақоллар ўзбек адабий тилига китобий тил ва қисман оғзаки сўзлашув нутқи орқали кириб ўзлашган. Ҳозирда ҳар икки тилда бир хил мазмун ва шаклдаги кўплаб мақолларнинг мавжудлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди (*“Эшиак Маккага боргани билан ҳожи бўлмас”, “Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит”, “Уйдан олдин қўшни ол”, “Ҳаракатда барака”, “Яхшилик қилда денгизга улоқтир”, “Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмас”, “Икки қилич битта қинга сиғмас”, “Шошмаган мақсадга етар”, “Сукут розилик белгиси”* ва бошқ.) [8, 16, 24, 26 9, 62, 65, 72, 41-б.].

Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки ўзбек халқ мақоллари орасида ўрта аср латин тили, юнон рим манбалари, инжил асосида келиб чиққан мақоллар ҳам мавжуд. Уларни ўзбек халқи истеъмолига кириб келишини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Буюк ипак йўли ва маданиятлараро алмашинув. Милоннинг бошларида гарбда Британ оролларида шарқда Тинч океани соҳилларигача чўзилган ерларда хукмронлик қилган дунёнинг 4 та илгор маданиятли давлатлари ҳисобланган Рим, Парфия, Хитой ва Кушон салтанатлари *“Буюк ипак йўли”* деб номланувчи йўл билан боғландилар. Бу йўл гарб ва шарқни боғлаб турувчи ягона кўприк вазифасини

*ўтаган. Бу йўл нафақат махсулотлар алмашинуви, балки зоялар, фикрлар ва маданиятлар алмашинуви учун ҳам хизмат қилган [9; 95-б].*

*Ўзбекистон ҳудуди бу йўлнинг чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу ерга турли мамлакатлардан савдогарлар, ҳунармандлар, олимлар ва меъморлар ташириб буюрганлар. Улар маҳаллий аҳоли билан мулоқотга киришиб, ўзаро ахборот алмашишган. Бу жараёнда турли хил мақоллар, хикматли сўзлар ўзлаштирилган. Сўнгга улар кундалик мулоқотда қўлланавергач, халқ орасида оммалашган ва ниҳоят мақолни ўзлаштирган халқ ўзини яшаш турмушидан келиб чиққан ҳолда мақолдаги баъзи сўзларни ўзгартирган. Бунинг натижасида мақолнинг эквивалентлари яратилган. Масалан, ўзбек халқи “Қарға-қарғани кўзини чўқимайди” мақоли билан бир қаторда “Ит итни қуйруғини босмас”, “Ит итнинг этини емайди” каби эквивалентларидан ҳам унумли фойдаланишади.*

2. Антик давр илмий адабиётини таржима қилиниши. Маълумки, ўрта асрларда Марказий Осиёда илм фан тараққий этди. Бунинг асосий омилларидан бири араблар истилосидан сўнг, марказлашган давлатнинг барпо этилиши, олдинги пароканда территорияларнинг ягона дин ва тил билан боғлаган ҳолда сиёсий ҳамда иқтисодий томондан бирлашуви бўлган. Бунинг натижасида халифалик жумладан, Марказий Осиё ҳудудида кўплаб илмий ўчоқлар пайдо бўлди, шаҳарларда расадхоналар қурила бошлади, саройлар, масжид ва мадрасалар қошида, кутубхоналар барпо этилди. Буюк ипак йўли эса, илм аҳллариغا Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Рим илмий адабиёти ва уларни қўлга киритган ютуқлар билан танишиш имкониятини берди.

Халифаликнинг биринчи илмий маркази Боғдод эди. VII асрнинг охири IX асрнинг бошларида Боғдодда жуда кўп олимлар, таржимонлар ва кўчириб ёзувчилардан иборат гуруҳ юзага кела бошлади, унинг аксарият вакиллари Ўрта Осиё ва Эрондан чиққан зукко кишилар, мутафаккирлар эди [2; 16-б.] Ўша кезларда халифа ҳисобланган ал-Маъмун илм ҳомийси бўлиб, унинг ташаббуси туфайли (813-833) Боғдодда “Байт ул-ҳикма” аталмиш ўзига хос академия қарор топди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, халифа нафақат фундаментал тадқиқотларга ҳомийлик қилди, балки таржима ишларини ҳам ривожлантирди. Унинг ҳомийлиги остида антик давр илмий адабиётининг деярли барча асарлари юнон тилидан арабчага таржима қилинди. Шу тариқа ислом мамлакатлари олимлари улар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Кейинчалик бу таржималар кўп ҳолларда Ғарбий Европанинг антик давр илмий ва маданий асарлари билан танишишнинг ягона манбаига айланиб қолди [10; 81-б.].

Марказий Осиёдан чиққан дунёга машҳур аллома мутафаккирлар орасида ал-Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний ва бошқалар хорижий тилларни мукамал билганликлари туфайли таржима билан ҳам шуғулланганлар. Улар турли фанларга оид илмий асарларни, бадий эпосларни, ҳикоя ва шеърларни лотин, грек, рим, хинд тилидан араб тилига таржима қилганлар. Афсуски, уларнинг кўплаб таржима ишлари ханузгача тўлиқ

ўрганилмаган, чунки уларни баъзилари бизгача етиб келмаган, баъзилари эса Ғарб давлатларига олиб кетилган [102; 82-б.]

Бизнингча, шу таржима қилинган китоблар орқали ҳам юнон, рим ва лотин тилидаги мақоллар ислом мамлакатлари, жумладан Марказий Осиё халқлари оммасига кириб келган ва кейинчалик оммалашган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган манбалардан ташқари инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларни шаклланишида **фольклор** жанрлари ҳисобланган афсона ва ривоятлар, эртак, топишмоқ, латифалар шунингдек, халқ удумлари, ўйинлари ва эътиқодий тушунчалари муҳим ўрин тутлади.

*Ўзбек тилида афсона ва ривоятлар асосида шаклланган кўплаб мақолларни келтириш мумкин. Масалан, “Арпа бугдой ош экан, Олтин кумуш тош экан”, “Бурга сакрайди, Бит йўрғалайди”, “Бўялган тухумнинг таъми бир” [11; 13, 60, 67-б.].*

Халқнинг эътиқодий тушунчалари асосида ҳам келиб чиққан мақоллар сирасига *“Пир урганнинг косаси оқармайди”* мақолини киритиш мумкин. Ўтмишда ҳар бир касб-ҳунар эгалари ўз “пир”ларига эргашишган, уларга атаб турли маросимлар ўтказиб хайр-эҳсон қилишган. Агар бирор киши пир номига бундай амалларни бажармаса, унинг пири уни дуоибад қилишига, ишида барака бўлмаслигига ишонган [11; 11-12-б.].

Топишмоқ ва мақол жанрларини ҳажм, шакл баъзи ўринларда мазмун жиҳатидан бироз яқинлиги учун ҳам бир-бирининг шаклланишига ўзаро таъсир этган. Тилимизда шундай мақоллар мавжудки, улар ҳам топишмоқ, ҳам мақол жанрининг хусусиятларини ўзида жамлаган: *“Гап бўлса, пака-пака, Иш бўлса, чека-чека”, “Гап десанг, қоп-қоп, Иш десанг, Аштархондан топ”, “Eyes bigger than belly”*. Ушбу мақолларда дангаса, ишёқмас, танбал, очкўз сўзлари туғридан туғри ишлатилмаган, балки унинг характер хусусиятлари киноя тарзда берилиб, бундай турдаги инсонга ишора қилинмоқда. Бундан ташқари ўзбек тилида шундай мақоллар борки, уларнинг бир қисми топишмоқдан таркиб топган. Мақолшунос олима Б. Жураева ўз докторлик ишида бундай мақолларни атрофлича таҳлил қилган [12; 18-19-б.].

Демак, юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан холда шуни айтиш мумкинки, ўзбек мақоллари фондининг шаклланишида қадимги ёзма манбалар ва ёдгорликлар, мукаддас китоблар саналган Қуръон, Авесто, халқнинг маданияти ва яшаш тарзини акс эттирувчи фольклорнинг аҳамияти катта. Ушбу манбалардаги илгари сурилган ғоялар, фикрлар ва қуйма иборалар бу икки халқнинг мақолларининг яратилишида асос вазифасини ўтаган. Шунингдек, ўзбек халқига тегишли мақоллар турли тиллар воситасида дунёнинг турли минтақаларига кириб борган, аксинча улар ўзларининг ўй-фикрлари ва қарашларига мос келган бошқа халқларга тегишли мақолларни қабул қилган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Taylor, A. The Proverb. Cambridge, Massachusetts: Harvard University Press, 1931 Rpt. as The Proverb and an “Index to The Proverb”. Hatboro, Pennsylvania: Folklore Associates, 1962. Copenhagen: Rosenkilde and Bagger, 1962; rpt. again with an introduction, a bibliography, and a photograph of Archer Taylor by W. Mieder. Bern: Peter Lang, 1985.
2. Starr S. Frederick . Lost Enlightenment: Central Asia’s golden age from the Arab conquest to Tamerlane.-USA: Princeton University Press, 2013.- P.634
3. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ.-Т.:”Фан” нашриёти, 1978.
4. Раҳмонов Н. Битиглар оламида. - Т.:” Фан” нашриёти, 1990.  
слом: энциклопедия. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004.
6. Гофуров З. Табиатни муҳофаза қилишнинг маънавий ва ҳуқуқий асослари.: Тошкент, 2007.
7. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти.-Тошкент.:”Фан” нашриёти, 1993.- Б. 95.
- иддиков Н. Араб мақоллари. -Тошкент.:” Сано стандарт”, 2011.
9. Бувақов Н. Буюк ипак йўли ва Хитой билан савдода сугдийларнинг ўрни ҳақида//Ўтмишга назар №2, Тошкент, 2020.
10. Махамадходжаев, Ваҳром (2020) "THE RISE OF TRANSLATION SCHOOLS IN CENTRAL ASIA," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 4, Article 10 Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2020/iss4/10>.
- ораҳмедов Д., Аминов М. Маънолар махзани. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2018 – Б. 316
12. Жўраева Б.М. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. доктори дисс. автореферати. – Самарқанд, 2019. – Б. 73 б.